



# ИШОНС

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ  
 2002 йил 2 апрел, сешанба №53 (1270)  
 СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**САКСОН ФОИЗ МАҲСУЛОТ ХОРИЖГА**  
 Бешарик туманида «Бештекс» ўзбек-олмон-турк қўшма корхонаси қурилиши бошланди. Ушбу корхона йил давомида 7592,8 тонна пахта қайта ишлаб, 6 минг 835 тонна калава ип йигиради.  
 Мутахассислар фикрича, маҳсулотнинг саксон фоизи хорижга экспорт қилинади. Замонавий ишлаб чиқариш дастгоҳлари билан жиҳозланган ишлаб чиқариш тармоғи тўлиқ ишга тушган, 520 нафардан зиёд маҳаллий йигит-қиз иш билан таъминланади.  
 Умумий лойиҳа қиймати 13 миллион 833 минг немис маркасини ташкил этган янги мажмуани бунёд этишда Бешарик тўқимачилик корхонаси, Германиянинг «Текстима экспорт-импорт ГмбХ» корхонаси, Туркиядаги «Сокай» ҳамда «Текментекстил» компанияси ҳамкорликда иш олиб бормоқда.  
 (ЎЗА)

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**  
**ФАРМОНИ**  
**ПУЛ МАССАСИ ЎСИШНИ ЧЕКЛАШ**  
**ВА МОЛИЯ ИНТИЗОМИГА РИОЯ ЭТИШ**  
**МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШ ЧОРА-**  
**ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА**

Пул массасини бошқаришни тақомиллаштириш, банкдан ташқари айланмани қисқартириш, молия интизомига риоя этиш ва олинган кредитларни ўз вақтида қайтариш масъулиятини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2002 йил 1 июндан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларини муомалага чиқариш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин. Белгилансинки: Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари давлат қимматли қоғозлари ҳисобланади ва юридик ҳамда жисмоний шахслар ўртасида жойлаштирилади; Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигацияларининг ликвидлиги Марказий банк тасарруфидидаги барча активлар билан таъминланади.
2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки: Марказий банк облигацияларини чиқаришнинг асосий шартларини бир ой мuddатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда тегишли норматив-методик ҳужжатларни белгиланган тартибда тасдиқласин; пул массасини тезкор бошқариш мақсадида валюта ва пул депозитлари, давлат қимматли қоғозлари ва бошқа биринчи тоифали активлар таъминоти остида, пул бозорида вужудга келмаётган фоиз ставкалари асосида тижорат банкларига уч ойгача бўлган мuddатда кредитлар берсин ва жалб қилсин.
3. Ўзбекистон Банклар уюшмаси, тижорат банкларининг пластик карточкалар буйича миллий ва хорижий валютада ҳисоб-китоблар ўтказишни таъминловчи Ягона банкларaro процессинг марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.
4. Тижорат банкларини пластик карточкалар воситасида ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган банкоматлар ва жиҳозларни импорт қилишда божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан 2005 йил 1 январгача озод қилинсин.
5. Тижорат банкларини: маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда иш ҳақи тўлашда, чакана савдони амалга оширишда, коммунал ва бошқа хизматлар учун тўловда яқна тартибдаги ва корпоратив пластик карточкаларни кенг жорий этиш, аҳолига хизмат кўрсатувчи мини-банклар, банк кассалари ва банкоматлар тармоғини кенгайтириш чора-тадбирларини кўрсин; ликвидлиги мол-мулкларни, шу жумладан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларини,



**2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили**

**ВОДИЙДАГИ ЭНГ БАЛАНД ТЕЛЕМИНОРА**  
 Кундалик турмушимизга уяли телефон алоқаси кириб келганига анча бўлди. Аҳолига юқори сифатли кўрсатувлар намойиш этиш, алоқа хизмати янада яхшиллаш учун эса, албатта, зарур қурилмалар керак. Шунинга назарда тутиб Чуст туманида йирик иншоот қурилиши бошланди. Баландлиги 187 метр, виллояннинг 90 фоиз худудини қамраб олувчи, 70 километр радиусга тўлиқ тарқатувчи телеминара водийда телекўрсатувлар сифатини яхшилаганига қўлмасдан «Коском», «Уздунробита» уяли телефон алоқаларидан фойдаланувчиларга ҳам қулайлик яради. Мазкур иншоотни бунёд этишга 360 миллион сўмлик маблағ сарфланади. Телеминара худудидега телемарказ, учта коттеж ҳам барпо этилади.  
**БОҒЧА – СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАСКАНИ**  
 Поп туманидаги 24-болалар боғчаси соғломлаштириш масканига айлантирилди. Хозирги кунда бу ерда 70 нафар кичкинтой таълим-тарбия олиш билан бирга малакали муолажадан ҳам баҳраманд бўлмоқдалар. К.Абдусобурова, С.Турдиева, Г.Ақбарова каби ҳамширалар кичкинтойлар саломатлигини мунтазам назорат қилиб бормоқдалар. Тегишли ташкилотлар келажагимиз ағаларини соғломлаштириш учун зарур бўлган дори-дармонларни ўз вақтида етказиб беришаётлар.  
**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**  
**«Ишонс» мухбири.**

**Яхшининг шарофати**  
**ҚИШЛОҒИНИ**  
**ГУЛЛАТАЁТГАН КИШИ**

Қўргонтепа туманида хусусий тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришга тобора эътибор қучайтирилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ қисқа вақт ичида кичик корхоналарда 50 нафар кишига мўлжалланган янги доимий иш ўринлари яратилди. Виллоят «Фаллабанк»нинг туман бўлими томонидан 5 нафар яқна тартибда фаолият юритаётган ишбилармонга 4,5 миллион сўм атрофида имтиёзли қарз ажратилганлиги ҳам айтиш мумкин бўлади. Дардоқ кишилогидида «Одилжон» фермер хўжалиги қўраларида 70 бош қорамол парваришланмоқда. «Са-вой» ширкат хўжалиги худудидида Комилжон Содиқов бошлиқ «Аваз» фермерлик жамоаси нафақат туман, балки республика хўжалиқларига наслдор чорва моллари етиштириб бермоқда. «Сардор» кўп тармоқли хусусий фирмасида аҳолига 8 турда маийий хизмат кўрсатилмоқда. «Фурота» фирмаси ҳам кўпгина бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Унинг раҳбари Абдуганини ишонасида учратиш амри маҳол. Чунки, фирма юмушларига шўнғиб кетган. Бир оёғи ўйингоҳ қурилишида бўлса, бир оёғи спорт-соғломлаштириш мажмуи тикланишида. Қарийб 15 минг томошабинга мўлжалланган, қурилиш-монтаж ишларининг қиймати 60 миллион сўмлик иншоотни бунёд қилишнинг ўзи бўладими? Бу ерда ҳаёт қайнамоқда. Майдонни юк ташиш автомашиналарининг гулдуриси тутган. Тупрок уюмлари орасида экскаватор пўлат хартумини ўнгу-сўлга қўзиб, пойдевор қазимоқда. Келгусида бу ерда футболчиларнинг дам олиш хонаси қад кўтарди. Нарироқда эса грейдер бўлажақ курашхона саҳнини текисламоқда. Фозуржон Хурбоев бошлиқ бетончилар гуруҳи томошабинлар учун ўриндиқлар сошлашмоқда. Ишбоши Фозуржондан Абдугани ҳақида хабар топмоқчи бўламиз. У ҳозиргина шу ерда бўлганлигини, қурувчиларнинг иш унуми, маоши, тушлиги, дам олиш ни суриштириб 15-мактаб томонга ошиққанлигидан воқиф бўламиз. Сабаби, бўшаб қолган синфхоналар ижарага олинган бўлиб, мактаб базасида фирманинг спорт-соғломлаштириш клуби очилганлиги, пахта титиш ҳамда тикув-бичув цехлари аҳоли хизматиде. Абдугани Қўштепа кишлоғининг фидойи фарзанди. Кишлоқ кун-сайин яшнаб бормоқда. Биз тилга олган янги ўйингоҳ билан бирга ошона, автобекат, энгил машиналарни таъмирлаш устaxonаси қурилиши ҳам режалаштирилмоқда. Айтишларича, Буюк ипак йўли Қўштепа кишлоғи бўйлаб ўтган. Кишлоқ Қўргонтепа тумани худудидега жойлашган.  
**(Давоми 2-бетда).**

**Иккинчи чақиривчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси саккизинчи сессиясининг очилиши тўғрисида**


**Иккинчи чақиривчи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 2002 йил 4 апрел кунини эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.**  
 Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 3 апрел кунини соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.  
**Сибий партиясининг Олий Мажлиси депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига қирадиган депутатлар диққатига** Олий Мажлисида 2 апрел кунини соат 15.00 да «Миллий тикланиш» демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши эса ушбу партия Марказий Кенгашининг мажлислар залида 2 апрел кунини соат 17.00 да бўлади.  
 Олий Мажлисида 3 апрел кунини соат 11.30 да сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи, соат 14.30 да «Адолат» Социал-демократик партиясининг фракцияси ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг Олий Мажлиси депутатлари блоқи йиғилишлари ўтказилади.

**Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди**

**Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қайд этилганидек, газдан қонунсиз равишда фойдаланиш ва уни ўғирлаш ҳоллари учраб турибди. Айрим истеъмолчилар, энг аввало саноат корхоналари газдан тежамкорлик билан фойдаланмаяптилар.**  
 Табиий газ мамлакатимиз ёқилғи-энергетика ресурсларининг муҳим манбаидир. Прокуратура органлари Бухоро виллоятда бу табиий бойлигимиздан фойдаланишнинг аҳолини ўрганганларида, хўжалик ҳолларида йўл қўйилаётганлигига дуч келдилар. Айниқса, Вобкент туманида жиддий камчиликларга йўл қўйилапти.  
 Йўлдош Охунбоев номили ширкат хўжалигида яшовчи Шароф Шехов табиий газдан фойдаланишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлари барҳам топиши ва «Вобкентгазтаъминот» корхонасига 34744 сўм жарима тўлайдиган бўлди.  
 Вобкент шаҳридаги «Оқ олтин» кўчасида истиқомат қилувчи фуқаро Ўткир Саидов ўз ошонасида ҳеч қандай ҳужжати расмийлаштирмасдан «зангори олов»ни ёқиб, бемалол ишлатаверган.  
 М.Жўрабоев номили ширкат хўжалигида истиқомат қиладиган И.Эргашев, Р.Негов кабилар хонадонларида табиий газдан нотўғри фойдаланганликлари учун катта миқдорда жарима тўлашга мажбур бўлдилар.  
 Мамлакатимизда табиий газ захиралари кўп. Аммо бу ундан ҳар ким истаганча фойдаланавериши мумкин, дегани эмас. Тежамкорлик режими қатъий амал қилиш корхона, ташкилот, муассаса ҳамда ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи қанчалик муҳим керак. Бундай хислатлар афсуски, Йўлдош Охунбоев номили ширкат хўжалигининг Арабхона кишлоғида фуқаро Ўткир Ҳожи-ева ёққан. Бу тадбиркор иссиқхона қуриб, ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмасдан табиий газ ишлатиб келган ва туман газ таъминоти корхонасига 85613 сўмлик моддий зарар етказган. Охир-оқибатда хуқуқ-тартибот идоралари аралашуви билан келтирилган зарар унинг кийсасидан ундириб олинди.  
 Ўтказилган текширишларда ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли газ таъминоти идорасига етказилган 400 минг сўмлик яқин моддий зарар ундирилди.  
**Ўлкин.**

**ХЎЖАСИЗЛИККА ЧЕК ҚЎЙИЛДИ**

ширкат хўжалигининг Оталик кишлоғида яшовчи Шароф Шехов табиий газдан фойдаланишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун 26274 сўм, Мавлон Ҳақимов эса 28089 сўм жарима тўлади.  
 «Зангори олов»ни ишлатишнинг ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Лекин Д.Бобоқуров номили дорда жарима тўлашга мажбур бўлдилар.  
 Мамлакатимизда табиий газ захиралари кўп. Аммо бу ундан ҳар ким истаганча фойдаланавериши мумкин, дегани эмас. Тежамкорлик режими қатъий амал қилиш корхона, ташкилот, муассаса ҳамда ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи қанчалик муҳим керак. Бундай хислатлар афсуски, Йўлдош Охунбоев номили ширкат хўжалигининг Арабхона кишлоғида фуқаро Ўткир Ҳожи-ева ёққан. Бу тадбиркор иссиқхона қуриб, ҳеч қандай ҳужжатларни расмийлаштирмасдан табиий газ ишлатиб келган ва туман газ таъминоти корхонасига 85613 сўмлик моддий зарар етказган. Охир-оқибатда хуқуқ-тартибот идоралари аралашуви билан келтирилган зарар унинг кийсасидан ундириб олинди.  
 Ўтказилган текширишларда ноқонуний хатти-ҳаракатлари сабабли газ таъминоти идорасига етказилган 400 минг сўмлик яқин моддий зарар ундирилди.  
**Ўлкин.**



Бугунги кунда Сирдарё вилояти дала-ларида чигит экиш мавсуми қизгин давом эттириляпти. Хусусан, Гулистон туманида бу юмуш намунали ташкил этилган. Тумандаги Амир Темур номи ширкат ҳужалигида бу борада қилинаётган

ишлар фикримизнинг яққол далилидир. **Суратларда: механизаторлар Муҳаммад Эрназаров ва Собир Хўжаёровлар; чигит экиш пайти.**

**Баҳром Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.**



### ҚИШЛОҒИНИ ГУЛЛАТАЁТГАН КИШИ

(Боши 1-бетда).

Мазкур фирма боболаримиз орзусини ушалтириш мақсадида яна бир хайрли ишга қўл урган. Шу йўл ёқасида 15 миллион сўм сарфлаб, соғломлаштириш мажмуи барпо этмоқда. Ҳозиргача бир гектар майдонни эгаллаган икки қаватли маъмурий бино қуриб битказилди. Сув ҳавзаси, карвонсарой, автомобилларни созлаш устaxonаси, муолажахона, фитобар, айланма душ қурилиши кўзда тутилмоқда. Хуллас, сайёҳлар йўл азобини унутиб, мароқли ва мазмунли дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Абдугани Юсупов қишлоқ ёшларнинг жонқуяр хомийси. Йигит-қизларни ижтимоий-фойдалани ижтимоий-фойдалани меҳнатга жалб этиш, уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ғам-хўрлик қилмоқда. Зикр қилинган янги ўйингоҳ, соғломлаштириш мажмуи, гузар қурилиши фойдаланишга топширилиши билан қишлоқда қўшимча яна 20 та ишчи ўрни яратилди.

Спорт-соғломлаштириш клубида айни кунларда қишлоқ ёшлари спортнинг 10 га яқин тури бўйича шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан чиникмоқдалар. Клубнинг футбол жамоаси Қирғизистон Республикасида ўсмир-ёшлар ўртасида уюштирилган ҳамдўстлик беллашувида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Клуб аъзоларидан Исмоилжон Маликов, Дилшоджон Турсунов, Файрат Жумабоевлар туман ҳамда вилоятда бўлиб

ўтган енгил атлетика, қўл тўпи, теннис, бокс бўйича саралаш мусобақаларида ғолиблик шохсупасидан жой олдилар. — Ёшларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда фирма ўз саховатини аямайди, — дейди мураббий Мамаминжон Мамажонов биз билан суҳбатда. — Жамоа фирма ҳисобидан кунига икки маҳал бепул оқватлантирилади, шунингдек, спорт кийимлари билан таъминланган. Мусобақа ўтказишга доир сарф-харажатлар ҳам фирма ҳисобидан. Умуман клуб ва футбол жамоаси учун ойига ярим миллион сўмга яқин харажат қилинаптир.

«Фофурота» фирмаси аҳолининг ижтимоий-ҳимосига ҳам мурувватини аямайди. 12 та меҳнатга жалб этиш, уларни доимий иш ўринлари билан таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда ғам-хўрлик қилмоқда. Зикр қилинган янги ўйингоҳ, соғломлаштириш мажмуи, гузар қурилиши фойдаланишга топширилиши билан қишлоқда қўшимча яна 20 та ишчи ўрни яратилди.

Спорт-соғломлаштириш клубида айни кунларда қишлоқ ёшлари спортнинг 10 га яқин тури бўйича шуғулланиб, жисмоний жиҳатдан чиникмоқдалар. Клубнинг футбол жамоаси Қирғизистон Республикасида ўсмир-ёшлар ўртасида уюштирилган ҳамдўстлик беллашувида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Клуб аъзоларидан Исмоилжон Маликов, Дилшоджон Турсунов, Файрат Жумабоевлар туман ҳамда вилоятда бўлиб

Ўларга «Наврўз» байрамида 200 минг сўмлик атрофида озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Ойпарча Тўланова кўчасидаги катта-кичик доим фирма жамоаси ҳақиқа дуога қўл очадилар. Негаки, мазкур мавзегга фирма маблағи ҳисобидан электр тармоқлари ўтказилди ва газлаштирилди. Шахрихонсой каналдан қишлоққа 5 километр узунликда тоза ичимлик сув, газ қувури тортиб келинди.

Ҳа, жонқуяр тadbиркор жонажон қишлоғини гуллаб, одамларнинг қалбига хайру саховат зийсини сочмоқда.

**Собиржон Рўзиматов, «Ишонч» мухбири.**

## ҲУКУМАТ ҚАРОРИ БИЛАН

аҳоли айрим гуруҳларига яратилган имтиёзлар хусусида

Кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистоннинг ўз иқтисод ва тараққиёт йўлининг етакчи тамойилларидан биридир.

Аҳолининг эҳтиёжлари ва оилавий шароитларини пухта ўрганиб чиқиш учун қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурда ишчи гуруҳлари тузилган. Ёрдамга муҳтож кишиларга нафақа тайинлаш фуқароларнинг муҳожаатлари пухта ўрганиб чиқилгандан сўнг амалга оширилмоқда.

Йилнинг ўтган даврида ўз-ўзини бошқариш органлари орқали болалари 16 ёшгача бўлган оналарга 1 миллиард 347 миллион сўмдан кўпроқ, болалари 2 ёшгача бўлган аёллар учун эса 3 миллиард 25 миллион 400 минг сўм нафақа тўланди. 20289 нафар кишига 223 миллион 700 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

— Рақамлар ортида инсон турибди Кексалар, нафақахўрлар, кўп болали ва кам таъминланган оилалар, етим-есирлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш савоб ишлардан биридир, — дейди вилоят молия бошқармасининг бошлиғи Умрзоқ Нурматов. — Давлат бюджети, ижтимоий сурғурта жамғармаси, корхона ва ташкилотлар ажратаётган ёрдам маблағлари эгаларига етиб бориши керак. Молиячиларнинг асосий эътибори ана шу масалага қаратилган.

Косонда 191 мингга яқин аҳоли яшайди. Туман молия бўлимининг мудираси Марям Эштурдиеванинг ҳикоя қилишича, йил давомида кам таъминланган ва болали оилаларга 717 миллион 475 минг сўм ижтимоий нафақа ва ёрдам пуллари ажратилган. Туманда яшаётган 77 нафар ёлғиз қарияга 2 миллион 883 минг сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

Бундан ташқари, Вазирад Маҳкамасининг 520-сонли қарорига асосан 144 нафар ёлғиз кекса ва ногиронларга 3 миллион 55 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Уларнинг табиий газдан фойдаланганликлари учун 814918 сўм, электр энергияси учун 789748 сўм бюджет маблағлари ҳисобидан тўланди. Салкам 300 минг сўмлик дори-дармонлар олиб берилди.

Биринчи гуруҳ ногиронлари аравачалар билан таъминланди.

Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ходимлари, пенсионер ва нафақахўрлар ўзларига берилган имтиёзлардан тўла баҳраманд бўлмоқдалар. Уларнинг газ, электр энергияси, ичимлик сувидан фойдаланганлиги учун қарийб 61 миллион сўмлик маблағ сарфланди. «Муҳажир» маҳалласидан Г.Саидниёзова, «Арабхона» маҳалласидан М.Тоғаева, «Пахтазор» маҳалласидан Г.Кенжаева кабиларнинг аризалари ўз вақтида қўриб чиқилиб, амалий ёрдам кўрсатилди.

Баҳористон олис чўл туманларидан бири. Яқинда биз Помуқ, Чандир, Найстон, Чаманзор қишлоқларида бўлганимизда 80-90 ёшли қариялар Сафар бобо Маматқулов, Исром бобо Отахонов, Рўзи бобо Хайдаров, Салби момо Гуллиева, Чинни момо Улуғназаровлар берилаётган моддий ёрдамдан мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Ҳукуматимиз қарори билан аҳолининг айрим гуруҳларига имтиёзлар яратилган. Утган даврда вилоятда ана шундай кишилардан 52 минг 651 нафарга 195 миллион 886 минг сўм имтиёзли тўловлар амалга оширилди. Булар электр энергияси, табиий газ ва ичимлик сувидан фойдаланганликлари учун маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан тўланди.

Ғамхўрлик, меҳр-мурувват кўрсатиш халқимизнинг азалий фазилати. Аҳолининг ёрдамга муҳтож қисми кўллаб-қувватланаётганлиги бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг турмуш шароитларини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

**Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

Сирдарё вилоятидаги «Она ва бола» реабилитация марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Республика педиатрия илмий-тадқиқот институти томонидан ташкил этилган «Ташхис қўйиш ва болаларда овқат ҳазм қилиш органларининг ўткир ҳамда сурункали касалликларини даволашнинг замонавий тех-

## ШИФОКОРЛАР АНЖУМАНИ

нологиялари» мавзюда республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда республикамиз вилоятларининг даволаш муассасалари раҳбарлари, шифо-

**Навоий кон-металлургия комбинатининг Шимолий кон бошқармаси Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўзининг «Савдо ўйи»ни очди.**

## БАҲОСИ ЙЎҚ МАРМАР

Унда Учқудуқ туманида ишлаб чиқарилаётган қора ва оқ рангдаги мрамор плиталар, шлакблок, гишт ва бошқа қурилиш материаллари, халқ истеъмоли моллари савдога чиқарилмоқда. Ҳозиргача россиялик харидорларга «Учқудуқда тайёрланди» тамгаси босилган 30 минг квадрат метр мрамор плита етказиб берилди.

Жаҳонга машҳур Италия ва Греция мрамаридан қолишмайдиган бундай маҳсулотларга Санкт-Петербургда қизиқиш катта. Кончилар йил охиригача яна 50 минг квадрат метр мрамор плитани экспорт қилиш ва валюта тушумини икки ҳиссага кўпайтиришни ниятда.

**(ЎЗА).**

### Ўқув ва амалиёт

## МУАММО ЕЧИМИ

**Агросаноат мажмуи ходимлари Касаба уюшма вилоят тизимида 300 та бошланғич ташкилот бор. Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан 1494 нафар нафақахўр бошланғич касаба уюшма кўмиталарининг ҳисобига қўйилди. Эндиликда нафақахўрларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазаси кафолатланадиган бўлди.**

Дарҳақиқат, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялашни такомиллаштириш мақсадида агросаноат мажмуи вилоят тармоқ кўмитаси давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшма кўмитаси, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда касаба уюшма фаоллари ўқув ташкил этди.

Ана шундай ўқувлар ҳозиргача барча туманларда ҳамда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Муҳими шундаки, ўқув дастуридан бугунги долзарб муаммолар ечимига жавоб топиш асосий мақсад қилиб олинди.

ловчиларда кўпроқ меҳнат қонунчилигига доир мавзулар қизиқиш уйғотди. «Ходимларга меҳнат вазибаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жараҳатланиш, касб касалликларига чалинганликлари туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлашни назорат қилиш», «Корхона, ташкилот ва хўжаликларда меҳнат дафтарчаларини юришти тартиби, уларни меҳнат дафтарчалари билан таъминлаш тўғрисида» каби масалалар, айниқса, савољ-жавобларга бой бўлди.

Ўқув машғулотларида малакали ҳуқуқшунослар, шунингдек, тажрибали раҳбар ва мутахассислар ўзларининг жонли қиқишлари билан кўпчиликнинг эътиборини қозонишди. Бундай ўқув машғулотларига йиғилган касаба уюшма фаоллари ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ҳам фаол қатнашиб, машғулотларнинг янада жонли ва таъсирчан ўтишига ҳисса қўшдилар.

**Омон БУРХОНОВ, Жиззах вилоят АСМ ходимлари касаба уюшма кўмитаси бўлим мудир.**

Машғулотларда иштирок этган тинг-

## Касаба уюшма аралашуви билан ВАЗИФАЛАРИГА ТИКЛАНДИЛАР

**Ҳақ ўз жойида қарор топиши ҳеч вақт осон кечмаган. Айниқса, қонун ҳимоячилари ўз вазифаларида устувор бўлмаса бундан ёмонроқ Ҳа-тирчи тумани Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма кўмитаси ана шу қийин ва масъулиятли ишининг уйдасидан чиқаётди.**

Ўтган йили тез тиббий ёрдам ходимлари Тошбуви Санакуллова ва Дилором Шамсуддиновлардан кўми-тага ариза тушди. Хатда меҳнат қонунчилиги зид равишда улар вазифаларидан бўйштилгани баён қилинган эди. Текширишда ходимлар айбонлиги, маъмуриятнинг ўтган йил 12 декабрдаги 164-сонли буйруғи гайриқонуний эканлиги маълум бўлди. Тиббиёт ходимларининг бузилган ҳақ-хуқуқлари тўла тикланди.

Худди шунингдек, ҳамширалар Г.Ибрагимова, З.Абдуллаева, доя О.Шокироваларни шаҳодатлашда белгиланган шартларга тўла амал қилинмади. Натижанда маъмуриятнинг ўтган йил 21

майдаги 60-сонли буйруғи билан улар ишдан четлатилди. Касаба уюшма аралашуви билан адолат тикланди. Қонунсиз буйруқ бекор қилинган, улар шаходатлашдан муваффақиятли ўтишди. Баъзида ходимнинг озгина лоқайдлиги ҳам иш берувчининг меҳнат шартномасини бекор қилишига олиб келиши мумкин. Чунончи, Зиёлола Хушвақтова ҳомилдорлик даврида Тошкентга бориб даволанди. Лекин ишда бўлмаган даври учун маъмуриятга маълумотнома тақдим қилишни унутди. Бу ҳолат иш бажарувчи ва иш берувчи ўртасида низои келтириб чиқарди. Ниҳоят, касаба уюшма кўмитаси аралашуви билан масалага ой-

динлик киритилди. З.Хушвақтова ўз фаолиятини давом эттирадиган бўлди. Фельдшер Эшпўлат Олимов ва услубий бўлим врачси Отабек Ойдиновлар маъмурият томонидан берилган топшириқни бажармагани учун маошидан 30,50 фоиз ушлаб қолиш жаримаси билан сийланган. Касаба уюшма кузатувида эса тартибузаарлик ишловчи айби билан содир этилмагани маълум бўлди ҳамда ноҳақ солинган жарима олиб ташланди. Шифохонанинг собиқ тез тиббий ёрдам бўлими бошлиғи Адолат Хушвақтованинг ноҳақ ишдан бўша-тилгани тўғрисидаги аризасини суд қўриб чиқди ва унга етказилган моддий зарар ундириб берилди ҳамда мутахассислиги бўйича иш билан таъминланди.

**Ялғош САРИБЕВ, «Ишонч» мухбири.**

### Шаҳарларимиз озода, кўркам бўлсин

## БИР ҲУДУДДА ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

дилар ва оқава сувлар уйлар яқинидаги қучурчаларга ташланмоқда. Натихада улар атрофида пашша, чивин каби зарарли ҳашаротлар кўпайиб, турли хил микроблар манбаини юзага келтирмоқда. Бу айниқса, ёз ойларида аҳоли ўртасида юкмули касалликларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Ачинарлиси, қичқиндилар ўз вақтида олиб кетилмайди, устига устак оқава сувларнинг уй ат-

рофига оқизиб юборилиши натижасида улар ер остига синиб, чучук сувлар таркибининг бузилишига олиб келмоқда. Ахланди уюмлари Шовот ка-налининг муҳофазасида худудида жойлашганлиги ҳеч қимми хавотирга солма-ётгани ажаблاندир.

Дилни хира қиладиган яна бир ҳолат: мазкур кўп қаватли уйлардаги хонадон эгалари Шовот каналининг муҳофазасида худудига ўзбошимчалик билан ҳожатхоналар

қуриб олишган. Бу эса шаҳарда антисанитария ҳолатини келтириб чиқармоқда. Каналнинг бир томонида Жалолдин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси, «Авесто», Аз-Замашарий боғлари барпо қилиниб, шаҳар кундан кунга гўзаллашиб бораётган бир пайтда бундай кўнғилсиз манзарани қандай баҳолаш мумкин?

**Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.**

**Хоразм вилоят табиатни муҳофазаси килиш кўмитаси назоратчилари мувофиқлаштириш кенгаши қарори ва табиатни муҳофазаси килиш кўмитасининг буйруғига биноан Урганч шаҳар 3-сон уй-жойдан фойдаланиш бошқармасида табиатни муҳофазаси килиш қонуни талабларининг бажарилиши текширувдан ўтказилди. Текшириш натижасида бир қанча камчилик ва нуқсонлар аниқланди.**

Мазкур бошқарма ишланиб зарарсизлантирилган ҳолда ўғит сифатида қишлоқ ҳужалиги тармоғига юборилади. Аммо, афсуслар бўлсинки, уй-жой бошқармасига қарашли Наманган кўчасидаги 8 та, Абулғоли Баҳодинхон кўчасидаги 3 та, Хонқа кўчасидаги 6 та уй шаҳар канализациясига уланмаган. Шу сабаб, бу хонадонлардан чиқаётган қичқин-

### Ижтимоий ҳимоя

## ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН ТАДБИР

Унумли меҳнат қилиш учун ходим ёки ишчи тўлақонли ижтимоий ҳимояланган бўлиши лозим. Шу ўринда тармоқ кўмитамиз вилоят ўқитувчиларига имкон қадар иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан амалий ёрдам кўрсатапти.

Энг аввало, Бойсун туманидаги «Меҳрибонлик уйи», Сарийосё туманидаги «Фарҳод» мурувват уйи ҳамда Шўрчи туманидаги «Карлар» ва «Ақли заифлар» мактаб-интернатларида тарбияланаётган болаларга ҳар бир байрамда кийим-бош, пойабзал, дарсликлар ва дори-дармонларни олиб беришни йўлга қўйганмиз.

Яқинда, вилоят «Нуроний» жамғармаси билан биргаликда эсда қолдиган тадбир ўтказдик. Унга узок йиллар ёшларга таълим-тарбия берган бир гуруҳ фахрий аёллар тақлиф этилди. Шунингдек, тизимда фаолият қўрсатиб келаётган ёш муаллималар иштирокида «Она ва бола — гул ва лола» мавзюда уч авлод учрашуви бўлиб ўтди. Ҳар бир тантана қатнашчисига эсдалик совғалари-ю, пул муқофотлари берилди. Бу мақсад учун жами 338 минг сўмлик маблағ сарфланди.

Умумхалқ «Наврўз» байрами муносабати билан эса тизимимизда ҳалол ишлаб келаётган, кам таъминланган оилаларга 254500 сўмлик озик-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

66 нафар кам таъминланган оилалар фарзандлари учун 500 минг сўмлик микдорда ўқув дарсликлари олиб бердик. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирад Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуқсиз таълим тизими муассасаларини дарсликлар ва ўқув кўллалмалари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида»ги 4-сонли Қарори бажарилишига ўз улушимизни қўшдик.

Сурхон воҳасида ёз фасли ниҳоятда иссиқ бўлади. Шу боисдан ҳам ўтган йилда тармоқ кўмитамиз тизимда меҳнат қилаётган асосан кам таъминланган оилалар фарзандларидан 4177 нафари хушхаво, соя-

салқин оромгоҳларимизда дам олдирилди. Ушбу мақсад йўлида 19767400 сўм маблағ сарфланди. Бу эзгу тадбир жорий йилда ҳам изчил давом эттирилади.

Термиз Давлат университети қошида ташкил этилган «Ўқитувчи» санаторий-профилакторийсида кам таъминланган 523 нафар талаба бепул ўз соғлиқларини мустаҳкамладилар. 763 нафар тармоқ ходими эса «Турон», «Чинобод» каби сихатгоҳларда даволаниб, дам олдирилди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда «Йил тарбиячиси», «Севимли ўйинчоқлар» кўрик танлови ўтказилди. Ғолиблик эсдалик совғалари, Фахрий ёрликлар билан тақдирланди. «Севимли ўйинчоқлар» кўрик-танловининг ғолиби шўрчилик «Кичинтой» болалар боғчаси мудираси Гулнора Абдурахмоновага «Хонжиша» дам олиш уйига бепул йўлланма берилди.

Кўмитамиз ташаббуси билан Шеробод туманидаги 2-умумтаълим мактабда «Уч Абдулла» (А.Қодирий, А.Каҳҳор, А.Орипов) мажмуасида адибларнинг ижодий фаолиятига доир кеча бўлиб ўтди. У ёшларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, Термиз туманида «Камолот», «Маҳалла» хайрия жамғармалари билан «Маҳалла болалари» деб номланган танлов ўтказилди.

Хуллас, асосий ишларимиздан бири устозларни кучли ижтимоий ҳимоялашга қаратилган. Олдимизда муҳим тадбирларни амалга ошириш режалари турибди. Улардан бири вилоят «Нуронийлар» жамғармаси билан биргаликда 9 май - «Хотира ва қадрлаш кўни» муносабати билан, «Оталар жасорати ҳамиша қалбимизда» мавзюсида бўлиб ўтади. Бу «2002 — Қарияларни қадрлаш йили» муносабати билан махсус тузилган тадбиримиздан ҳам алоҳида ўрин олган.

**Холбўта ДОСОВ, Сурхондарё вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кўмитаси раиси.**



### КОЛЛЕЖ — БАЙРАМ СОВФАСИ

Боёв туманида Наврўз байрами арафасида яна бир ўқув маскани — саноат-қасб хунар коллежи биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу илм кошонаси боёвтулик ёшларнинг байрам қувончларига қувонч қўшди.


Эндиликда Боёв саноат-қасб хунар коллежида йигит-қизлар саноат машина ускуналари ремонтни, пахта толасини ишлаш, юк ташиш, бухгалтерия, тикувчилик бўлимларидан илм сирларини ўрганадилар.

Коллежда талабалар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Корейдан келтирилган замонавий ўқув куруллари билан жиҳозланган фан кабинетларида йигирма икки нафар ўқитувчи ва тўрт нафар ишлаб чиқариш устаси талабаларга сабоқ беради.

Шунингдек, коллежда 160 ўринга мўлжалланган ошона ва 100 ўринлик ётоқхона талабалар ихтиёрига берилган.

Мана шундай кўзни қувонтирадиган ўқув масканини қисқа муддатларда бунёд этишда Сирдарё вилоят 1-сонли қурилиш монтаж трести курувчиларининг хизмати катта бўлди.

**Суратларда: информатика хонасида машғулот пайти; коллежнинг умумий кўриниши.**  
Б.Тўраев (ЎЗА) олган суратлар.



**Тақдирлар... Аччиқ тақдирлар... Кўз олдингизга келтириб кўринг-а: ранги синиқ, борлигини тушқунлик қамраб олган, қулгу, шодлиқни унутайсангиз маъносини қалбингизда оғриқ уйғотади. Беихтиёр ўйга толасиз: Наҳотки, муштилар ота-онаси, ака-укалари-ю, норасида гўдақларининг унинг йўлига кўз текиб, доғида куйиб адо бўлишини ҳис қила олмаган бўлсалар? Жиноят сари қадам қўяётганларида наҳотки, оқибатини ўйламаганлар?..» Бу чексиз саволларга жавоб топиш мушкул.**

У энди тенгқурлари қатори тўй-ҳашамларда қатнашмайди, ширингина болажонларининг адажон, дея бўйнидан кучиб эркаланишлари фақат тасаввурларида, холос, муштилар онаизорининг ярим тунгача кутиб, келдингни болажоним, дея термулиб туришлари тушларига муҳрланган. Бу ёғи соғинч дарди. Бир бора қадрдонлар билан дийдорлашув илинжи. Дарвоқе, биз кимлар ҳақида гапирарганизмизни пайкаган бўлсангиз керак. Яхшиси, сўз наватини ўзларига берсак.

— Мен Термиз туманиданман, — дейди ЖКнинг 272-моддаси билан 1996 йилда 20 йилга қамалган В.Ботиров. — Наркотик моддаси олди-соттисиде воситачилик қилганман. Яъни, 2 килограмм 200 грамм героинни ҳамроҳларим билан пуллаётганда Тошкент шаҳар ИИБ ходимлари томонидан қўлга олинганман. Афсуски, кўзим кеч очилди. Нафақат ўз ҳаётим, балки беш нафар қизим, онам, хотиним тақдирига ҳам бефарқ қараганлигимни шу ерга келиб англаб етдим. Ҳаммасидан ҳам оғирини шу кунлардаги афсус-надоматларим қалбимни қанчалик ўртаётганлиги фақат ўзимга аён.

— Мен А.Қутов — дея ўзини таништириди Пахтакор туманидан келган 1972 йилда туғилган маҳкум. — Жиноят кодексининг 272-моддаси билан 15 йилга қамалганман. 1997 йил эди, СамПининг 5-курсиде ўқир эдим. Тожикистонлик танишимдан олган 5 кило-ю 190 грамм «қорадори»ни олиб кетаётганимда Тошкент шаҳрида қўлга тушганман. Бу ишим менга шунчалар ташвишлар келтиради, деб ўйламагандим. Ниятим мўмай даромадга эга бўлиш эди. Ҳаммаси акси бўлиб чиқди. Албатта, қилган ишимдан афсусданман. Чунки

бечора ота-онам ўғлим дипломли бўлиб келса, тез кунларда тўй қилсак, деган эзгу ниятлар ила келин танлаш билан овора бир пайтда, мен

# ИЗТИРОБ

## Ҳазони ижро этиш муассасасидаги маҳкумлар билан очиқ мулоқот

кўрсатган «каромат»дан уларнинг қадди буқилди. Оқармаган сочларига оқ тушиди. Бу ердан чиққанлардан кейин тўғри йўлдан юриб, гуноҳларимни ювиб, ҳалол яшашга ҳаракат қиламан.

Келажагимиз пойдеворлари бўлмиш ёшларнинг барқамол инсонлар бўлиб камол топиши учун барча шароитлар яратиб берилаётган бир пайтда баъзи ёшларимизнинг уйлмасдан қилган хатти-ҳаракатларини тушуниб бўлмайди. «Мана шундай ахволга тушиб қолинганда кимни айбдор деб биласиз?» деган саволимизга «Албатта, ўзимни», деб жавоб берди 1973 йилда Қамаша туманида туғилган Т.Исломов.

— Баъзан ёшлиқ қилдим, оиламиздаги тарбиянинг бўшлиғи сабабли шу йўлга кирдим қабилидаги фикрларни билдиришди. Тарбиянгизда ота-онангизнинг таъсири қандай деб ўйлайсиз?

— Юқорида айтиб ўтганимдек ҳаммасига ўзим айбдорман. Ота-онам жуда яхши инсонлар. Уларни ҳеч қачон айблай олмайман.

— Сиз олдин ҳам судланган экансиз. — Тўғри, 1991 йилда от ўғирлаганида айбланиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилгандим. Икки йил ўтгач, 1994 йилда амнистия туфайли озодликка чиққандим.

— Тиббиёт билим юртини тугатган экансиз, яхшигина мутахассислигингиз бор экан. Иккинчи марта жиноят қилишга сизни нима

мажбур қилди? — Биласизми, инсон бориға қаноат қилиб яшай олмаса, жиноятга қўл уради. Кўпроқ нарсага эга бўлишни, бундан-да яхшироқ яшашни хоҳларкан. Менда ҳам худди шундай ҳолат бўлган. Тошкентда «Назарбек» санаторийсида ишлайётган пайтим эди. Сурхондарёлик танишим 2 кило, 897 грамм гашиш (наша) олиб келиб, харидор кераклигини, улушимни беришини айтди. Мен рози бўлдим ва бу ҳақда бозорда иш-

зига қарзимни тўлар эдим. Оиладаги уч ўғилнинг каттаси менман. Албатта, мен туғилганимда ота-онамнинг қувончи чексиз бўлган. Энди улгайгач, бир дунё ташвишу гам-қайғуга кўмиб ташладим. Балки бунда улар ҳам айбдордир. Чунки улар мени ҳеч нарсдан кам қилмай улгайтиришди. Ким билади дейсиз, тўқликка шўхлик қилган бўлсам, ажабмас. Ҳаётда нима ҳам кўрдим. Талаба тенгдошларимни қўмсайман баъзан. Уларга

Бечора онам уйга келиб келмаганимча ухламасди. Нима бўлганда ҳам фарзандиман-да. Саёқ юрган таёқ ейди деганларидек, ўтган йилнинг дебрида қўлга олинган. Бу ерга келганим бир томондан мен учун фойдали бўлди, деб ўйлайман. Сабаби шунча йиллар давомида ташлайолмаган одатимни тарк этдим. Келганимга қисқа вақт бўлган бўлса ҳамки, ўзимни яхши ҳис қиламан. Олдин доим кайфиятим тушиб, сиқилаверардим, ҳозир

сонлар тақдири билан боғлиқ, — дея суҳбатга тортаман муассасанинг тиббиёт бўлими бошлиғи Абдумухтор Каримовни.

— Тўғри айтасиз, менимча баъзилар менинг ҳаётим ўзимгагина керак, деб қаттиқ янглишилади. Муассасамизда маҳкумларга тиббиёт хизмати кўрсатиш борасида нимаики зарур бўлса, барчаси мавжуд. Жумладан, даволаниш муолажаларини оладиган маҳкумлар учун алоҳида палаталар, лаборатория, физиотерапия ўтказиш хоналари, муолажа, рентген ва стоматология хоналари керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ҳар бир келган маҳкум шифокор-наркологи томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, даво чоралари олиб борилади. Даволаш учун керакли дори-дармонлар етарли. Даволанаётган гиёҳвандлар кўганингиздек муолажалардан мамнун. Доимий тарзда шифокор-наркологи, руҳшунослар улар билан суҳбатлар ўтказиб туришади. Бунинг учун руҳшуносга алоҳида хона ажратиб берилган. Ана шу ерда у ҳар бир маҳкум билан алоҳида суҳбат ўтказилади. Ниятимиз маҳкумларимиз вақти келиб оиласига қайтиб, фарзандлари олдидаги оталик вазифасини соғлом тарзда бажара олсин, шунингдек, уларга тўғри тарбия бера оладиган инсон бўлиб борсин.

— Тўғри айтасиз, менимча баъзилар менинг ҳаётим ўзимгагина керак, деб қаттиқ янглишилади. Муассасамизда маҳкумларга тиббиёт хизмати кўрсатиш борасида нимаики зарур бўлса, барчаси мавжуд. Жумладан, даволаниш муолажаларини оладиган маҳкумлар учун алоҳида палаталар, лаборатория, физиотерапия ўтказиш хоналари, муолажа, рентген ва стоматология хоналари керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ҳар бир келган маҳкум шифокор-наркологи томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, даво чоралари олиб борилади. Даволаш учун керакли дори-дармонлар етарли. Даволанаётган гиёҳвандлар кўганингиздек муолажалардан мамнун. Доимий тарзда шифокор-наркологи, руҳшунослар улар билан суҳбатлар ўтказиб туришади. Бунинг учун руҳшуносга алоҳида хона ажратиб берилган. Ана шу ерда у ҳар бир маҳкум билан алоҳида суҳбат ўтказилади. Ниятимиз маҳкумларимиз вақти келиб оиласига қайтиб, фарзандлари олдидаги оталик вазифасини соғлом тарзда бажара олсин, шунингдек, уларга тўғри тарбия бера оладиган инсон бўлиб борсин.

— Сизнинг айбингиз нима? — юзлаганимиз навбатдаги маҳкумга.

— И.Қурбановман. 1959 йилда Балиқчи туманида туғилганман. Уч нафар фарзандим бор. Кичкинаси ҳозир 15 ёшда. Наркотик моддалар истеъмол қилганликда айбланиб, 11 йилга қамалганман, — дейди у.

— 30 ёшларидан наша истеъмол қила бошлаган бу маҳкум деярли узоқ йиллар шу жирканч одатни ташлай олмаган.

— Шунча вақт мобайнида бу ҳолат оиламизга ўз таъсирини ўтказмадим?

— Топган-тутганимни ўзимга сарфлардим, ота сифатида фарзандларимни унутиб қўйгандим, десам хато қилмайман. Баъзан бекордан-бекорга жанжал қилиб, хотинимни калтақлаб турардим. Ҳаммасига чидарди. Онам қарига-қарига биз билан бирга яшарди. У менга ялиниб, йиғлаб-сиктарди. Бироқ, ўз билганимдан қолмасдим. Ҳатто баъзан улфатлар билан ўтирганда тонготар бўлиб қолишга қарамасдан уйдагиларнинг мени қутаётгани ҳаёлимга ҳам келмасди.

бунақа ҳолатни сезмайман. Лекин, барибир ҳеч нарса озодликда юрганингда тенг келмас экан. Айниқса, туғишганларинг оиланг даврасида бўлишинг ўзи инсон учун катта бахт эканлигини шу ерга келиб тушундим. Вақтида нега уларнинг қадрига етмаган эканман, дея ўзимни койганим-койган. Оиламни, онажонимни соғинаман...

Шу ўринда шоир Носир Муҳаммаднинг шеърини бир парча келтирсак:

Ғаҳи шодлик, ғаҳи қайғу, ажаб дунё экан дўстлар, бу бир бошда неча ғавғо, неча савдо экан, дўстлар. Пишарму қайнамай одам тирикликнинг қозонида, Синолда ким музаффардир ўшал доно экан, дўстлар. Ҳа, ҳаёт мураккаб. Унинг замирида кимлар учундир бекамукўст яшаш тарзи яширинган бўлса, яна кимлар учундир гам-қайғуга йўғрилган аччиқ қисмат макон топган. Қайси бирини ўзи учун насиба тақдир қилиб танлаш эса ҳар кимнинг ўз ихтиёрида. Юқорида тилга олиб ўтилганидек аянчли тақдир эгалари ҳам ўз хоҳиш-истаклари билан билиб-билмай шу йўлни танлаган кимсалардир.

— Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, ҳар бир ота-она авваламбор фарзандининг ҳаёти учун ўзини масъул деб билади. Шундай экан, бизнинг диёримизда яшовчи ҳар бир инсонни она Ватанимиз ўз фарзанди деб бағрига олган, давлатимиз уларнинг ҳаёти учун ўз меҳрибонлигини аямайди. Зеро, Ватан тақдири, унинг камолоти соғлом ва бақувват ин-

сонлар тақдири билан боғлиқ, — дея суҳбатга тортаман муассасанинг тиббиёт бўлими бошлиғи Абдумухтор Каримовни.

— Тўғри айтасиз, менимча баъзилар менинг ҳаётим ўзимгагина керак, деб қаттиқ янглишилади. Муассасамизда маҳкумларга тиббиёт хизмати кўрсатиш борасида нимаики зарур бўлса, барчаси мавжуд. Жумладан, даволаниш муолажаларини оладиган маҳкумлар учун алоҳида палаталар, лаборатория, физиотерапия ўтказиш хоналари, муолажа, рентген ва стоматология хоналари керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Ҳар бир келган маҳкум шифокор-наркологи томонидан тиббий кўриқдан ўтказилиб, даво чоралари олиб борилади. Даволаш учун керакли дори-дармонлар етарли. Даволанаётган гиёҳвандлар кўганингиздек муолажалардан мамнун. Доимий тарзда шифокор-наркологи, руҳшунослар улар билан суҳбатлар ўтказиб туришади. Бунинг учун руҳшуносга алоҳида хона ажратиб берилган. Ана шу ерда у ҳар бир маҳкум билан алоҳида суҳбат ўтказилади. Ниятимиз маҳкумларимиз вақти келиб оиласига қайтиб, фарзандлари олдидаги оталик вазифасини соғлом тарзда бажара олсин, шунингдек, уларга тўғри тарбия бера оладиган инсон бўлиб борсин.

### САЙЁРАМИЗ САДОСИ

#### БАЙРУТ АНЖУМАНИДАН СЎНГ

Лубнон пойтахти Байрут шаҳрида Араб Давлатлари Лигаси ҳомийлигида ўтказилган Араб Давлатлари анжумани тугаши биланок, ўзгача акс садо берди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгаши Байрут конференцияси қарорларини дарҳол кўриб чиқишга тўтindi. Хавфсизлик Кенгаши Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш ҳамда Исроил билан Фаластин мухторияти ўртасида осийшталикни юзга келтириш мақсадида қатор қатъий талабларни амалга ошириш режасини илгари сурди. Уларда курулчи тўқнашувларни дарҳол тўхтатиш, ҳарбий қўшинларни 1967 йилдаги маррага қайтариш, тезлик билан музокаралар бошлаш, Фаластин мустақил давлати эълон қилинишига монъелик билдирмаслик сингари долзарб масалалар ўртага ташланди. Бундай қарорга Исроил бош вазир Ариел Шарон ҳамда Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофатлар ҳам ҳайрихоҳлик билдирдилар.

#### АЙБИНИ ТАН ОЛМАЎТИР

Жорий йилнинг 23 январиде «Уолл-Стрит жорнел» газетасининг муҳбири Дэниел Перл тўсатдан Покистоннинг Карачи шаҳрида йўқолиб қолган эди. Кейинчалик уни экстремистик гуруҳлардан бири ўғирлаб кетганлиги тахмин қилинди. Ниҳоят, ўтган ойда асли араб Аҳмад Умар Саид Шайх Д.Перлни ўғирлашди ва ўлдиришликда гумон қилиниб, ҳибсга олинган эди.

АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги Нью-Арка шаҳар суди Шайх Аҳмаднинг айбдор деб ҳисоблаб, қатор далиллар келтирди. Аввал ўз айбини тан олган қотил кейинчалик ўз гапидан қайтди. Эндиликда Америка томони Покистондан Шайх Аҳмаднинг АҚШ судига топширишини талаб қилмоқда. Лекин, ҳамон бу жараёни амалга оширмади. АҚШ адлия вазирини Жон Эшвортнинг гапларига қараганда, Шайх Аҳмаднинг айблари тасдиқланса уни ўлим жазоси қутади. Покистон маъмурияти ҳам ана шу нуқтага назарда турибди.

#### ПАРИЖ ҲАЙРАТДА

Ўтган ҳафтада Парижда катта фожеа рўй берди. Пойтахт яқинидаги Нантерр шаҳарчаси ҳокимлигида кўз кўриб қулоқ эшитмаган воқеа содир бўлди. 33 яшар Ришар Дюрн исмли йигит муниципалитет кенгаши мажлиси бошланишига келиб, дафъатан тўппончадан ўқ уза бошлади, натижада, саккиз нафар маслаҳатчи ўлдирилди, ўн тўрт киши жароҳатланди. Нантерр прокурори Ив Ботнинг айтишича, бу қотилнинг руҳий ҳолати жойида бўлмаган. У ўзини омадсиз, деб ҳисоблаб, кенгашидаги сафошолларини тўлиқ у дунёга олиб кетмоқчи бўлган. Бирок, у ўзининг бу машъум мақсадига эриша олмади. Сўроқ пайтида қотил тўртинчи қават ойнасидан ўзини ташлаб, ҳалок бўлди. Айни кунларда бутун Франция ҳайрат оғушида ёқа ушламоқда.

#### ҚАРИЯЛАР КЎПАЯДИ

БМТ маълумотларига қараганда, 2050 йилга бориб Ер қурутасида истиқомат қилаётган ёши 60дан ошган қарияларнинг сони умумий аҳоли сонининг 20 фоизини ташкил этади. Бошқача қилиб айтганда, улар 2 миллиарддан ошади. Бу башарият тарихида биринчи марта ёши улғу кишилар 15 ёшдан кичик болалар сонидан ортиқ бўлади, демакдир.

#### КОЧИБ ҚОЛ, АКУЛА!

Австралия муҳандислари уммоннинг чўмилиш жойларида одамларга катта хавф-хатар туғдирадиган акулаларга қарши ишлатиладиган янги асбоб яратдилар. У сузувчининг оёғига маҳкамланади, ундан ҳосил бўлган магнит тўқинлари эса «овга чиққан» ваҳшийларни чўчитади. Мазкур асбоб синолда ўта самарали эканлигини кўрсатди. Эндиликда «бешинчи қитъа»га ташриф буюраётган саёҳлар ҳам энгил нафас ола бошладилар.

#### МУҲАББАТ ТУЗОФИ

Япония фуқароси Асаки Казу таътилга чиққанидан сўнг Руминияни томоша қилиб келишга отланди. У Брэешть шаҳрида бўлганида гавжум қахвахоналаридан бирига кириб қолди. Уша пайтда томоша кўрсатаётган хонимлар орасида рақса тушаётган ўйинчини кўриб қолган А.Казу бир қарашдаёқ муҳаббат тузоғига илинади. Томошадан сўнг 42 яшар саёх 22 яшар Моникога ўз ниятини изхор қилади. Раққоса қиз унинг олийжаноб фикрига қарши эмаслигини билдиради, лекин, бир шарт қўйди: у христиан динини қабул қилиши ва исминини ўзгартириши лозим. Асаки ҳам тантилик қилиб, рози бўлади. Яқинда Габриэл деб атала бошланган А.Казу христиан сифатида ёш хотини билан Токиога қайтиб келди.

Интернет ва жазон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.

Роза САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч»нинг махсус муҳбири.

Касаба уюшма тадбири

ВАТАН МАДҲИ

Тошкент вилояти ёқилги-энергетика, геология ва кимё sanoati ходимлари касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан Чирчиқдаги «Кимёгар» маданият саройида «Ўзбекистон - Ватаним маним» кўрик-танловни бўлиб ўтди. Унда тармоқ тасарруфига қорхона ва ташкилотлар меҳнатқашлари ўз ижод намуналари билан иштирок этдилар.

— Бугунги танлов Қарияларни қадрлаш йилга бағишлаб ўтказилди, — дейди вилоят тармоқ кўмитаси раиси Мавжудот Халилова. — Айниқса, фахрий иштирокчиларимизнинг чиқишлари ёдда қоладиган бўлди. Уларнинг аксарияти 70-80 ёшли отахонлар онахонлар. Истагимиз, ёшларимиз ҳам улардан ўрнак олиб, ҳар соҳада фаол бўлишга интилинлар.

Тадқим этилган ижод намуналари танловга ўзига хос жозиба бахш этди. Айниқса, амалий санъат, ўймакорлик, заргарлик, расомчилик, матога гул тикиш, макраме, аппликация йўналишидаги асарлардан ташкил топган кўргазма

моа касаба уюшмаларининг фахрий ёрлиги ва қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

Бадий ижод йўналиши бўйича Янги Ангрен Давлат иссиқлик станцияси вакили Мавлудохон Темирбекова пешқадамлик қилди. Хореографик маҳорати энг юқори деб топилган Олмалик «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Эдельвейс» рақс дастаси рақс йўналиши бўйича биринчи ўринга эришди.

Кўшиқчиллик йўналишида голибликни «Ўзлим» кўшиғи учун «Ўзбекрезинатехника» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили Бахриддин Ҳамроев, амалий санъат бўйича эса «Электромёнасоат» ишлаб чиқариш бирлашмаси вакили Фуркат Усмонов қўлга киритдилар.

Муҳаббат ўрмонбекова, «Ишонч» мухбири.



Наврўз тантаналари давом этади

Байрам муносабати билан Китоб автомобил йўлларида фойдаланиш бошқармасида ёзилган дастурхон атрофида жамоа вакиллари билан бирга нафақага чиққан собиқ ишчилар ҳам тақлиф этилдилар.

Шу кун ишлаб чиқариш илгорларидан 30 нафар ишчининг ҳар бирига 3 минг сўмдан пул мукофоти, 11 нафар меҳнат фахрийсига қимматбаҳо совғалар улашилди.

— Бир неча йил ушбу жамоада меҳнат қилдим, — деди Абдурашид Бойматов. — Жамоа раҳбарияти ва касаба уюшма кўмитаси ҳамон биз кексаларни эслаб турганлиги кўнглимизни тоғдек кўтарди.

Байрамда Наврўз таомлари тайёрланди. Дастурхонга сумалак торти-

либ, кўк сомса, ялпиз қўйилди. 100 минг сўмлик қийматга эга бўлган пул-буом лотореяси ўйналди. Нишон туманидаги «Наврўз» қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган байрамда эса маҳалла ахли ўтовлар тикдилар. Миллий анъаналарга мос безатилган дастурхонга 200 дан ортик таом тортилди.

Қарши туманидаги «Ўзбекистон мустақиллиги» ҳўжалигида эса маҳалла дошқозонларида сумалак тайёрланди.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» мухбири.

Суратларда: Наврўз тантаналаридан лавҳалар.



Қадим ва навқирон Термиз бугун ўзгача ороланиб, қайта чирой очиб, дунёнинг турли бурчақларидан келаётган азиз меҳмонларни қорламоқда.

«ҲАЙВОНОТ БОҒИ» ТОМОШАБИНЛАРНИ КУТМОҚДА

Мустақиллик йилларида Термиз таниб бўлмас даражада гўзал қиёфа касб этди. Кенг ва раво кўчалар, шарқона услубда қурилган маъмурий бинолар шаҳар хуснига хусн қўшди. Бир-биридан гўзал хиёбонлар, боғлар барпо этилди. Айниқса, «Алломиш» дostonининг 1000 йиллиги муносабати билан ташкил этилган боғ ва халқ эпоси қаҳрамонининг улғувор ҳайкали шаҳарга ўзгача кўрк бағишлади.

Ал-Ҳаким ат-Термизий, Султон Саодат, Кокилдор ота, Қирқ-қиз, Жарқўрғон минораси, Исо ат-Термизий ёдгорликлари қайта таъмирдан мажуд эди. Термизнинг 2500 йиллиги боғи ташкил этилди. Шунингдек, темир йўл вокзали, амфитеатр, вилоят-археологик музейи, Термизийлар музейининг янги замонавий бинолари қад ростлади. Дўстлик майдони, Бобур боғи ободонлаштирилди. Термиз ҳайвонот боғининг қайта таъмирланганлиги эса катталардан ҳам болаларни хушнуд этди.

«Термиз ҳайвонот боғи»нинг довуғи оламга кетган. Юбилей муносабати билан бир ерда қурилиш, ободонлаштириш ишлари авж олдирилди. Таъмир талаб биноларга қайта кўрк бағишланди. Боғнинг ичкари қисмидаги йўлақлар кенгайтирилиб, 2000 тупга яқин манзарали ҳамда 500 туп мевали дарахт кўчатлари, гуллар ва гўзал хурмо дарахтлари ўтказилди. «Сурхондехонқурилиш» трестига қарашли ташкилотлар, «Сурхонсувқурилиш» трестининг 554-механизациялашган кўчма жамламаси бунёдкорлари ҳар бир ҳайвонот ва паррандау даррандаларининг табиати-га мослаб алоҳида бинолар барпо этилдилар. Шунингдек, карқидон, тимсоҳ, фил учун алоҳида-алоҳида хоналар ҳозирланди. Аквариум, ҳавза ва болалар ўйингоҳларида ҳам қурилиш ва пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

— Ҳайвонот боғимиздаги тўртта бўлимда 112 хил жониворлар, 195 та ҳайвонлар мажуд эди. Кейинги бир йил ичида уларнинг хили яна 392 тага кўпайди. Айниқса, Тошкент ҳайвонот боғидан келтирилган йўлбарс, айик, шер, қоплон каби йирткичлар томошабинларда ўзгача қизиқиш уйғотмоқда, - дейди ҳайвонот боғи директори Чори Сатторов. — Уйғун Пардаев, Зебонда Худойназарова, Норхол Отоева, Раъно Отаева каби 54 нафар ўз касбининг фидойилари жониворларни меҳр билан парваришламоқдалар. Хуллас, намуна-нали хизмат кўрсатиш учун боғимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

АМИР ТЕМУР АВЛОДЛАРИ

Пойтахтдаги Темуррийлар тарихи музейида Халқ таълими вазирлиги ҳамда Республика ёш саёҳатчилар ва ўлкашунослар маркази ҳамкорлигида «Амир Темур авлодлари» мавзюда анъанавий болалар анжумани ўтказилди.

— Анжуман бобокалони миз соҳибқирон Амир Темур таваллуд кунини муносабати билан ўтказилмоқда, - деди музейнинг матбуот котиби Лобар Йўлдошева «Туркистон-пресс» мухбирига. — Унда республика миздаги барча вилоятлардан келган иқтидорли болалар иштирок этишмоқда. Анжуманда санъатшунослик, адабиёт, тарих ва жўрофия-ўлкашунослик бўйича голиблар аниқланди. Бундан ташқари, музейда ўқувчиларнинг археологик қазих ишлари натижасида қўлга киритилган топилмалар намойиш этилди.



Дўстлик чегара билмайди

Андижон вилояти Ҳўжабод туманидаги Элчибек қишлоғида Наврўз тантаналари катта байрамга айланиб кетди. Бу туман Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида жойлашган. Номи рағзий маъно касб этадиган бу қишлоқдан ўз меҳнати билан икки республиканинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшган илгор пахтакорлар, танкичи олимлар, маданият ва санъат арбоблари етишиб чиққан.

Анъанавий қирғиз ўтовлари, икки халқ санъати намуналари, қўшиларимизнинг кўргазмалари ҳеч кимни бефарқ қолдирмади. Ешларнинг никоҳ тўйлари ўтказилди, юз ёшни қаршилаган фахрийлар эъзозланди.

(ЎЗА).

Ҳар қандай тасодиф ҳам маълум бир қонуннинг ўқинчи тур ўйинлари, ҳусусан «Дўстлик» ва «Қизилқум» жамоалари ўртасидаги учрашувни кузата туриб, бунга янада ишончимиз ортди.

Кўп йиллик мустаҳкам анъанага эга бўлган, боз устига кейинги мавсумларни анча кўтаринки руҳда ўтказиб, ҳатто чемпионлик унвонини қўлга киритган клуб ҳаммаси инқирозли кунларни бошдан кечираётгандек таассурот қолдирди. Бошқача қилиб айтганда, жамоа қандайдир ўзига боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тўқилиб қолган иншоотни эслатди.

Уни таъмирдан чиқариш керакми ёхуд бутунлай қайта қуриш даркорми, буниси мутасаддилар ва мутахассисларнинг ҳукмига ҳавола. Лекин «Дўстлик»нинг бугунги ўйин мазмунидан муҳлислар сира қониқиб ҳосил қилаётгани ўз ўзидан аён. Бу шунинг учун ҳам ташвишлики, «Дўстлик» тушиб қолган ҳол бизнинг футболимиз учун

шабинларнинг ташриф буюриши, энг ёмони, жамоа жуда нурсиз ўйин кўрсатганлиги кишини беихтиёр хавотирга солади. Гарчанд Зарафшон шаҳрининг «Қизилқум»

жамоаси бу мавсумга жиддий ҳозирлик кўрган ва бир неча тажрибали футболчилар билан қучайтирилганлиги, устига устак дастлабки икки турдан кейин карвонбوشيликка даъвогарлик қилаётганини яхши билсақ-да, меҳмондан ўйнаб «Дўстлик» дарвозабони ни жавобсиз тўртта гол билан «сепласти»ни асло хаёлга келтирмагандик. Эрта билан бошланган ёмғир остида, ниҳоятда мураккаб шароитда Сергей Шевченко шогирдлари ҳақамнинг ҳуштаги чалинганга қадар майли-донда астойдил берилиб ҳаракат қилганлари ҳар қанча таҳсинга лойиқдир. Мухими, улар яратилган имкониятлардан илоҳи борича тўлароқ фойдаланиш ҳадисини олганлик-

ларини намойиш этиб, тасодиф ҳам аслида маълум қонунга бўйсунганини исботлай билдилар ва бу билан «Дўстлик» футболчиларига катта сабоқ бердилар.

Кетма-кет маглубиятга учраб, мухлисларини ранжитган уч жамоа — «Трактор», «Машъал» ва «Сурхон» ниҳоят илк очко соҳиби бўлиб, руҳий жиҳатдан қадларини бир мунча ростлаб олдилар. Муборакликлар Жиззахда, тошкентликлар эса Бухорода дуранга эришган бўлсалар (0:0 ва 1:1); «Сурхон» эса ўз майдонида мамлакат чемпиони «Нефчи»дан очко тортиб олди. Икки томоннинг мураккаб самарасиз тугади ва ўйинда ҳисоб очилмади. Бу йил ўзбек футболининг тўқсон йиллиги нишонланадиган Кўқонда ҳам дуранга имзо чекилди. «Кўқон» 1912» ва «Андижон» жамоалари тўқсон дақиқа мобайнида ўз дарвозаларидан биттадан тўп оли-

Футбол

«Самарқанд» билан кўҳна ва навқирон шаҳарда баҳсга киришган «Пахтакор» иккинчи бўлимда А.Гейнрих томонидан берилган аниқ зарбадан сўнг очколари сонини тўққизтага етказиб олди.

Томошабинлар энг кўп голни Навоийда «Зарафшон» ва «Навбахор» жамоалари ўртасидаги баҳсда томоша қилдилар. Учрашув 4:2 ҳисобида майдон эгаларининг фойдасига ҳал бўлди. Умуман, ушбу турда дарвозаларга жами (аввалроқ ўтказилган «Насаф» «Металлург» (2:0) ўртасидаги учрашувни ҳам қўшганда) 15 та тўп киритилди. Бу ўта паст натижа, албатта. Умид киласизки, бу мавсумнинг ўзига хос «антирекорди» бўлиб қолади ва бошқа қайтарилмайди.

Олдинда бизни бир-биридан қизиқарли баҳслар кутмоқда. З.РИХСИЕВ.

Ажабо!

АРОСАТДАГИ ҚУРИЛИШ

Наманган шаҳридаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғида бўлганмисиз?

Шу боғда жойлашган, илма-тешик бўлиб кетган чодирга ўрнашган, атрофида «Цирк, Цирк, Цирк» деб ёзиб қўйилган бу «қошона»га 50 сўм сўм қилинади. Ичкарида туман одам. Тамаки тутунидан кўз очиб бўлмайди. Писта сотаётган аёллар ерга ўтириб олишган. Уртада хўроз уриштириш авжида.

«Уздавцирк» бирлашмасининг «Наманган цирк» бўлими бошлиғи Аҳмаджон Аълохонов бизни чодир ёнидаги омонатгина «вагон»га бошлади. Юраги тўлиб турган экан, тўкиб солди. Унинг айтишича, 1997 йил 4 июлда Наманган шаҳар ҳокимининг қарорига биноан боғ ҳудудида цирк ташкил этиш учун 24 сотих жой ажратилган. Шу йили яхши ният билан «Наманган сеҳргарлари» гуруҳи раҳбари Неъматжон Маматов «Наманган цирк»ни ташкил этди ва томошалар кўрсата бошлади. Машҳур полковон Неъматжон Маматов цирк биносини қурашмиз, деб югура-югура оламдан ўтди. Энди унинг ишини укаси Аҳмаджон Аълохонов давом эттира бошлади. 2000 йил 25 сентябрда «Ўзбек давлат цирки республика бирлашмасининг «Наманган цирк» бўлимига Бобур номли боғнинг бўш майдони ҳудудидан «Чодир» ўрнатиш ҳамда «Цирк биноси қуриш учун жой ажратиб бериш тўғрисида» Наманган шаҳар ҳокимлигининг қарори чиқди. Бинони ким қуради? Бу ҳақон номаълум. Аҳмаджон Аълохонов «Жигули»сини сотиб, бино лойиҳасини тайёрлашга ҳаракат қилди. Қўлидаги пули урвоқ ҳам бўлмади. Лойиҳа учун 17 миллион сўм, бино қурилиши учун эса 500 миллион сўм маблағ керак. Циркнинг Наманган шаҳридаги «Фаллабак»даги ҳисоб рақамидан эса арзиманган пул бор.

— Цирк томошалари кўрсатувчи гуруҳингиз борми, - деб сўраймиз А. Аълохоновдан. — Ҳа. Унда ортик халқ томошалари кўрсатадиган гуруҳларимиз бор. — деди у. Лекин, қишда совуқ, ёзда иссиқ бу чодирга ҳеч ким қирмайди. Бошқа жойларда фаолият кўрсатамиз. Наманганда цирк бўлишини жуда-жуда истаймиз. Цирк биносининг қурилиши бу йил ҳам вилоят бюджетига кирмай қолди.

Аҳмаджон билан хайрлашар эканмиз, у бизга «Илтимос, газетга ёзмавлар», деган гапни қайта-қайта айтди. Шундан кейин биз Наманган шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Акмалхон Абдуғафоров билан учрашдик.

— Тўғри, биздаги цирк чатоқ, ўша цирк қурган «хусусий тадбиркор»ни бугунқоқ ҳайдаб юбораман, - деди у ўрнидан туриб. — Бизга цирк керак эмас. Бизда профессионал цирк артистлари йўқ. Яхшичи, шаҳар ҳокимини кутинглар. Бу масалани у киши ҳал қилади. Вилоят ҳокимлигининг маданият бошқармасига кирдик. Унинг бошлиғи Нигора Нуралиевага мақсадимизни айтдик.

— Цирк бизга ҳаводек зарур, - деди у. Сўнгра бизни халқ ижодийети ва маданият - маърифий ишлар бўйича Наманган вилояти илмий услубият маркази раҳбари Зокиржон Муҳаммадиев билан таништирди. — Ўша жойга цирк биноси қурилишидан умидвормиз, - деди З. Муҳаммадиев. — Вилоятимизда рўйхатдан ўтган еттига дорбоз гуруҳи бор. — Уч гуруҳимиз «Халқ дорбозлари» унвонини олган.

60 га яқин киши бу гуруҳларда тарқоқ-тарқоқ ҳолатда фаолият кўрсатапти. Буларга цирк биноси, кўллар шариит керак. Масалан, Косонсой туманидаги Ёкубжон Турсуновнинг цирк гуруҳидаги Жамила опа Турсунова 6 метрли «анаконда» илон билан томошалар кўрсатади. Улар ҳозир Қашқадарёда сафарда юришибди. Чуст туманида Аҳмаджон Нурматов бошчилигидаги ажайиб цирк гуруҳимиз Хоразм вилоятида томошалар кўрсатапти. Камолхон Аълохонов бошчилигидаги «Наманган сеҳргарлари» гуруҳи учун цирк биноси сувдек зарур.

— Икки минг ўринли цирк биносини қуриш учун бир гектар жой бор. Фақат бинони қуриш керак. Гап пулда. А. Аълохоновнинг айтишича, «Уздавцирк» бирлашмасида маблағ йўқ. Наманган вилоятида эса бундан «зарур» қурилишлар кўп.

«Наманганцирк» кимга керак? «ТУРКИСТОН-ПРЕСС».

Истиқлол йилларида Ўзбекистон билан Франция ўртасида мустаҳкам дўстлик ва маданий алоқалар қарор топди. Ана шу яқин ҳамкорлик самаралари эндиликда нашрларда ҳам кенг ёритилмоқда.

ЎЗБЕКЧА-ФРАНЦУЗЧА ЛУҒАТ

Франциянинг Ўзбекистондаги элчионаси саъй-ҳаракати билан бир йўла яна иккита тўплам босма юзани кўрди. Бундай нуфузли нашрларнинг бири «Франция ва Ўзбекистон ўртасидаги маданий илмий-техникавий ҳамкорликка ўн йил» деб номланди. Унда мустақиллик йилларида икки мамлакатда эришилган кенг қўламли алоқалар ёритилди.

Бу қизиқарли нашр икки тилда чоп этилиши билан ҳам эътиборга лойиқдир. Бундан ўн йил аввал Францияда «Ўзбекча-французча луғат» босилиб чиққан эди. Шу ўтган давр мобайнида француз ва ўзбек тилшунослари унинг сўз бойлигини ошириш, мундарижа мазмунини бойитиш устида кўп иш қилдилар. Самарали изланш тўғрисида «Ўзбекча-французча луғат»нинг тўндирилган янги наشري юзюнга келди.

Бу ҳар иккала китоб кўп нусхада чоп этилди ҳамда Ўзбекистонда бўлган каби Франция китоб дўконларида сотувга чиқарилди.

А.АЛИЕВ.

ISHONCH

Муассис: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёкубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.20

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Оффсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй.